

8-10-2019

DANCE “MUNOJAT” AND HIS CHOREOGRAPHIC INTERPRETATION

Nasiba Erkinovna Abraykulova

Head of the Department “Stage movement and physical education” State institute of Arts and Culture of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Abraykulova, Nasiba Erkinovna (2019) "DANCE “MUNOJAT” AND HIS CHOREOGRAPHIC INTERPRETATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 4 , Article 72.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss4/72>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

DANCE "MUNOJAT" AND HIS CHOREOGRAPHIC INTERPRETATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

“МУНОЖОТ” РАҚСИ ВА УНИНГ ХОРЕОГРАФИК ТАЛҚИНИ

Абрайкулова Насиба Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедраси мудири

Аннотация. Ушбу мақолада миллий мусиқа санъати, “Муножат” рақси ва унинг хореографик талқини ҳақида сўз юритилган. Муаллиф “Муножат” рақсидаги ҳис-туйғуларнинг пластик ифодавийлиги ва ижрочиликнинг техник маҳорати ҳамда рақснинг саҳналаштирилиш тарихи, ижрочилари борасидаги ўз фикрларини баён этган.

Калит сўзлар. куй, оҳанг, туркум, усул, негиз, лирика, кечинма, рақс, хореография, опера, меросий рақслар, бастакор, балетмейстер.

ТАНЕЦ “МУНОЖАТ” И ЕГО ХОРЕОГРАФИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

Абрайкулова Насиба Эркиновна

заведующая кафедрой «Сценическое движение и физическая культура» государственного института искусств и культуры Узбекистана

Аннотация. В данной статье освещается искусство национальной музыки, танец “Муножат” и хореографическая интерпретация. Раскрываются технические движения и пластика с выражением эмоционального состояния, а также история постановки танца “Муножат”, исполнителей и исполнительских навыков.

Ключевые слова. Музыка, мелодия, цикл, метод, основа, лирика, эмоция, танец, хореография, опера, образцы танца, композитор, балетмейстер.

DANCE “MUNOJAT” AND HIS CHOREOGRAPHIC INTERPRETATION

Abraykulova Nasiba Erkinovna,

Head of the Department “Stage movement and physical education” State institute of Arts and Culture of Uzbekistan

Abstract. This article focuses on the art of national music, the dance “Munajat” and choreographic interpretation. Technical movements and plastic with the expression of the emotional state are revealed, as well as the history of the “Munajat” dance, performers and performing skills

Keywords. Music, melody, cycle, method, basis, lyric, emotion, dance, choreography, opera, dance samples, composer, choreographer.

Инсон кўнгли доимо санъатга ихлосманд бўлган, балки шу сабабдандир инсон ҳар доим санъатнинг қайсидир йўналишига қизиқади ва бу кўнгил ҳоҳишидир. Кўнгилни ўртайдиган нарса эса-бу куйдир.

Ўзбек мусиқа ижодиётининг дурдона намуналаридан “Насруллои”, “Чўли Ироқ”, “Гиря”, “Сурнай навоси”, “Тановар”, “Муножат” номи билан машҳур куйлар ҳам бор. Мана шундай куйлардан бири “Муножат” дир. “Муножат” куйми? Ашулами? Ёки рақсми?

Аввало, “Муножат” куй шаклида оммалашганини, унинг мусиқаси жуда узоқ вақтдан халқимиз орасида ижро этилиб келинганини айтиб ўтиш жоиз. “Муножат”

куйини талқин қиладиган бўлсак, унинг араб тилидаги маъноси - “ялиниш”, “ёлвориш” дир. Уч асосий қисмдан ташкил топган йирик шаклдаги ўзбек мумтоз чолғу куйлари туркумидан иборат “Муножот”, “Савти муножот” ва “Уфори муножот” турлари мавжуд. “Муножот” туркумининг таркибий қисмлари бир-биридан асосан усул негизи билан фарқланади. Шу билан бирга ўзбек мусиқа меросида “Мўғулчаи муножот”, “Мухайяри муножот” ва “Қашқарчаи муножот” номли чолғу куйлари ҳам оммалашган. Умуман, мусиқий савод чиқарган бирор санъаткор борки, бу ашулани ижро этмай қолмаган, десак муболаға бўлмас. Шу боисдан, халқимизнинг бирорта назм ва наво давраси, тўй ва бошқа тадбирлари “Муножот” ашуласи наволарисиз ўтмайди. Ғазалнинг мусиқий талқини ундаги дард ва мазмунни минг чандон ошириб юборган ҳамда асарнинг мумтозу машҳур бўлишига омил бўлган. [2.С.97]

Ижодий алоқалар рақс жанрларининг кенгроқ ёйилиши, умумлашувига олиб келади. Навоий ижоди билан ўзбек рақс санъати ҳам камол топди, тур ва жанрларга бойиди. Айниқса, “Муножот” рақси орқали фалсафий, ишқий - романтик, қаҳрамонлик ва лириканинг умумийлигини кўриш мумкин. А.Навоий лирикасининг шоҳ асарларидан бири бўлган “Ул сарви гулрў келмади” ғазали “Муножот” куйи билан ашула қилиб айтилиши ва “Муножот” рақси халқимизнинг энг сеvimли санъат асарларидан бирига айланишига сабаб бўлган. Муножотнинг мунгли навоси А.Навоийнинг ҳазин навоси билан шу қадар бир-бирига мос тушиб, уйғунлашиб кетганки, ашула маҳоратли мақом устаси, халқимизнинг суюкли хонандаси Бертахоним Давидова томонидан биринчи марта радио орқали ижро этилганида, шаҳару қишлоқлардаги радиокарнайлардан янтраганида, юриб бораётган одам борки, тўхтаб, вужудлари қулоқ бўлиб тинглаган. Ҳатто, ашуланинг номи ҳам “Муножот”га айланиб кетган. Кейинчалик бу ашулани Юнус Ражабий, Ориф Алимахсумов, Муҳаммаджон Каримов, Муножот Йўлчиева, Маҳмуджон Тожибоев сингари маҳоратли ҳофизларимиз ҳам қиёмига етказиб қуйлаганлар.

Энди “Муножот” рақсига келадиган бўлсак, бу рақс ўзига ҳос тарихга эга. “Муножот” рақси кечагина ёки бундан ўн йил олдин пайдо бўлган рақс эмас. Бу рақс жуда олдин куй ва ашуласи билан кетма-кетликда халқ орасида шакланган. Бу ҳақида таниқли раққос, ўзбек рақсининг моҳир ижрочиси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Назриддин Шерматов шундай дейди: “Муножот” мени назаримда юракнинг ноласи, бу нолани фақатгина ҳис қилиш мумкин холос, аммо кўриб бўлмайди. Лекин, бу шундай жозибали рақс-ки уни қанча кўп кўрсангиз ҳам меъдангизга тегмайди, аксинча яна ва яна кўргингиз келаверади. Етук ўзбек рақс усталари орқали “Муножот” рақси дунёнинг 60 дан зиёд давлатларида ижро этилган.”

“Муножот” рақси ҳақиқий аёллар рақси эканлиги билан ҳам бошқа рақслардан ажралиб туради. Бу борада Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер Қодир Мўминов “ “Муножот” рақси фақат “Муножот” куйини ўзида эмас, балки “Келмади” ғазалига басталанган ашуласи билан биргаликда ҳақиқатдан ҳам аёллар рақси. Бугунги кунга келиб бу рақсни кўпчилик раққосалар жуда қойилмақом қилиб ижро этишмоқда, бунга тан бермасдан илож йўқ. Аммо, шахсан мен бунга қаршиман. Чунки уларнинг кўпчилиги ҳижрон нималигини билишмайди,

юракнинг ноласи қандай бўлишини тушунмайди, шу сабабдан ҳам рақс ижросида ташқи томондан зўр ижро этилиши мумкин аммо, ички кечинмаси йўқ. Бундай ижрони фақатгина завқ учун томоша қилиш мумкин, лекин сиз билан дардлаша олмайди." - деган ажойиб фикрларини билдирди.

"Муножат" рақси ўзининг аниқ ва чиройли ҳаракатларга эга эканлиги билан, қўл ва оёқ ҳаракатларининг уйғунлиги, рақс жараёнида ички кечинма муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан инсонни ўзига жалб қилади. Бу рақс ижроси жараёнида раққоса ўзининг дардини, бор маҳоратини, ўзбек аёлларига ҳос бўлган майинлиги ва назокатни, шу билан бирга сабр-қаноат ва матонатни кўрсатади. "Муножат" рақси нозик ҳаракатлардан иборат, чаққон, ўтли жайдари, шиддаткор ҳаракатлар йўқ. Барча ҳаракат ва ҳолатлар ўта майин ҳамда аниқдир. Рақс давомида секин ҳаракатдан бирдан тезлашиш, тез ҳаракатдан кутилмаганда секин ҳолатга ўтиш, бир жойда қисқа онларга қотиб туриш жойлари мавжуд. Бундай мураккаб жараёнларда раққосанинг қандай маҳоратга эга эканлиги яққол намоён бўлади. [3.С.151]

1943 йилда А. Козловский Е.Барановский билан бирга "Улуғбек" операсини сахнага олиб чиқмоқчи бўлади. Шунда М.Турғунбоева сахнанинг бир кўринишида безақдор, туйғубахш, ўйчан ва сирли "Илонлар" рақсини қўяди. А.Ф.Козловский бу ҳақда шундай деган: "Мукаррама шундай бир мўъжизавор рақс яратди-ки, у балет билан уйғунлашиб кетишидан сахнани бойитиш билан бирга зарур бўлган таъсирчан муҳитни юзага келтирди. Кимнинг ҳаёлига келибди дейсиз, режиссёрнинг "Ҳарам сахнасида рақс керак"-деб айтган қуруққина кўрсатмасидан кейин М.Турғунбоева "Илонлар" рақсини ўйлаб топади, деб?". "Улуғбек" операсида "Муножат" рақсининг мусиқаси ҳиссиётларга бой, мумтоз мақом оҳангларига асослангани боис Улуғбекнинг изтиробларга тўла руҳий ҳолатини ифодалайди. Балетмейстер рақснинг ҳаракатлари усул мазмуни ва рақс ижросига алоҳида эътибор қаратди. Раққоса қўлларининг ҳар бир қисми илон сингари тўлғонади.Кафтларининг бирлашиши илоннинг бошини ифодалайди ва у ўлжасига шиддат билан ташланаётган илонни эслатади. Бу рақс саройда юзага келган ниҳоятда қалтис вазиятга мос келган. Бу экзотик, чинакамига саройга ҳос, моҳирона, айни бир вақтда чуқур рамзий маънога эга бўлган бу рақсни М.Турғунбоева "Муножат" дея номлаб, ўз концерт номерлари учун қайта ишлаб ривожлантирди ва мустақил рақс сифатида 1977 йилда "Муножат" яқка рақсини сахнага олиб чиқди. Энди бу рақс ҳаракатлари "илон" эмас, қалбдаги соғинч, тушқунлик ва изтироб ҳиссини ифодалайди. "Муножат" рақсининг лирик қаҳрамони юлдузлар билан сўзлаша оладиган, турмуш қийинчиликларини ғолибона енгиб ўтаётган мағрур инсон-аёлдир. Бу рақс халқ чолғу асбоблари дастаси жўрлигида ижро этилди. [1.С.54]

"Муножат" рақсида кийиладиган либослар ҳам ўзига ҳос аҳамиятга эга. Бу либослар рақс жараёнида маълум бир маъноларни беради, ҳамда рақснинг бойишига сабабчи бўлади. Кўк духобадан тўртбурчак дўппи ва унинг чети қора духоба билан тикилган. Пешонага тақиладиган тиллақош, унинг учли қисмига нозик пар тақилган. 2 метр оқ ҳарир матодан 2 қават қилиниб, дўппига буриб тикилган. Кўйлак қора тўрдан, енглари тор, узун. Ён томони бўксагача майда тўр гафре қилиб

тикилган. Кўйлак ичида оқ рангли шифондан енгисиз ички кўйлак. Тақинчоқлардан зирак, зебигардондан фойдаланилади. [1.С.54]

“Муножот” рақсининг кийимлари бошқа рақслардан яна бир хусусияти билан фарқ қилади, яъни бу рақсда раққосанинг кўйлаги унинг танасида ёпишиб туришидир. Бу эса раққосанинг мавзуга мос ҳаракатларидаги ички ҳиссиёт, руҳий кечинмаларини аниқроқ кўрсатиб беришга ёрдам беради. Пешонага тақилган ингичка, энсиз тиллақош ўзбек аёлларининг гўзаллигини яна ҳам яққол намоён этишга ва ўта нозик қалб эгаси эканлигига ишора қилса, унга қиситиб кўйилган пар бир томондан унинг назокатини оширади, бир томондан эса қалб туғенининг акси деган маъноларни ҳам беради. Бош кийимнинг орқасига тикилган оқ ҳарир мато ўзбек аёлининг шарм-ҳаёсини, ибосини тасвирловчи ҳаракатларни янада бойитади. Дид билан танланган либослар ўзбек халқининг жуда эътиборли эканини, шу халқнинг маънавияти ва эстетик қарашлари нақадар юқори эканидан далолат беради. Мана шундай бой маъноларга эга бўлган либослар “Муножот” рақсига янада кўрк бағишлаб ҳар томонлама мукамал ва сержило бўлишига ёрдам беради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ушбу рақсни ижро этиш ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Ўзбек рақс ижрочилигининг энг олий даражасига етган, миллатимизнинг халқаро нуфузини рақс санъати орқали кўтаришга эришган, ҳамда халқ эътиборини, ҳурматини қозонган раққосаларимизгина ижро этишган. Чунки, “Муножот” рақси саҳна талабига мос ташқи қиёфага, юксак ижрочилик маҳорати билан биргаликда ички ҳиссиётни ижро эта олиш қобилиятига, ҳамда рақснинг асл фалсафий моҳиятини тушуниш иқтидорига эга бўлишни талаб этади. Бастакорга оҳанг, хонандага овоз қанчалик муҳим бўлса, раққосага ҳаракатларнинг ижроси ҳам шунчалик муҳим! Айтиш мумкинки, раққосанинг ижро этаётган ҳаракатлари, бастакорнинг оҳанги хонанданинг овозига нисбатан минг карра муҳимроқ! Чунки раққоса ва бастакор ўзининг сўзсиз санъатида сўздан фойдалана олмайди. Шоир ва хонанда эса, ўзи истифода этаётган сўзларга муайян ранг-тус ва нола-оҳанг бахш этиш қудратига эгадир. Ҳар бир ижодкор, “**Яратган**” бўлмаса-да, ана ўша Яратганнинг йўқдан бор қилган оламини ўзича кўриб, ўзича англаб, Яратганнинг ишларидан ўзича ибрат ва андаза олиб, кенг-бепоён оламдан кичик бир зарра – асар битаётган **Яратувчи** экан, бошқа оддий инсонларга нисбатан Яратганга бир баҳя яқинлиги, қадимий атама билан айтсак, “**мавлоно**” лиги шак-шубҳасиздир. Ҳамма гап санъаткорнинг ўз асари орқали Яратганнинг бемисл қудратини қанчалик теран хис, идрок ва ифода этиб, бошқаларга нечоғли аниқ-равшан кўрсатиб бера олишидадир. Мадомики олам чексиз-бепоён экан, санъаткорнинг уни кўнгил кўзи орқали ҳиссий идрок этиш иштиёқи, эҳтиёжи ва бу йўлдаги имкониятлари ҳам чексиздир.

Ундаги ҳаракатларнинг ҳар бири чуқур мазмунга эга.

Масалан: Қўллар рақсда юқоридан келиб икки ён томонга очилади. “Илон” ҳаракати бажарилади. Бармоқ учлари ажралмасдан (илоннинг боши тасвирланади) бармоқлар кафтлар билан бирга айланади ва ичкарига букилади. Сўнг қўллар тирсақдан букилиб ташқарига айланади. Гавда ўнгга ва чапга ярим бурилади. Бу ҳаракатда ижрочи қалбдаги исённи, танасига кириб олган ва унга тинчлик бермаётган ғалаённи тасвирлайди.

Бундан ташқари ижрочи "Юрак тошқини", "Ғунча", "Гул барги", "Қўлбанд", каби ҳаракатлари орқали интизорлик ва сабр косасининг тўлишини тўлғониш, эгилиш, тебранишлар билан рақснинг таъсирчанлигини оширади.

"Муножот" рақсини М.Турғунбоева узоқ йиллар ўзи ижро этади. Қўлларнинг нозик пластикасига асосланган бу типик "шарқона" рақсни ижро этиш учун раққоса рақс мазмунига сингиб кетиши, актёрлик қобилиятига эга бўлиши керак. Фарғона рақс мактабига хос енгил юришлар, гавда, бел, қўл, елка ҳаракатлари бир бирига уйғун бўлиши таъминлангандагина чинакам гўзаллик пайдо бўлади. Устоз айнан шуни назарда тутган ҳолда рақсни Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашевага ўргатдилар. М.Эргашева шунчалик зўр маҳорат, ўзгача жўшқинлик, нафосат ва малоҳат билан ижро этганки ҳалқимиз қалбидан ўчмас из қолдирган. Раққоса юқорида қайд этилган жиҳатларга кўра заргарона ёндашади, ҳаракатларни бир бутун, яҳлит рақснинг узвий, ажралмас қисми бўлиб хизмат қилишига, куй оҳанглирига сингдириб, едириб юборишига эришди ва ҳозирги кун рақс мактабига асос бўлган анъаналарни шакллантирди.

Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова ижросидаги "Муножот" рақсида бетакрор бир гўзалликни ҳис этамиз.

Қ. Дўстмуҳаммедова бу рақсда том маънода Алишер Навоий ҳазратларининг "Келмади" радифли ғазалида тасвирланган Гулрў образини яратади.

Рақс санъати нафақат тана аъзолари ҳаракати, балки инсон руҳияти, маънавияти ва маданияти кўзгуси ҳамдир. "Муножот" рақсини томоша қилар эканмиз, ҳижрон изтиробларини, висол соғинчини ҳис қилиб, қалбимиз ўртанади. Рақс худди энг гўзал чизилган сувратдек, мукаммал ёзилган асардек бенуқсон ижро этилганидан ҳайратланамиз. Рақсларда ифода этилаётган ҳар бир ҳаракат мазмун-моҳияти билан томошабин қалбига маънавий озуқа бера олиши лозим. Шундагина у чинакам санъат мақомига кўтарила олади. Биз раққосаларимиздан айнан шундай рақслар кутишга ҳақдимиз.

Санъат-дунёни бадиий ўзлаштиришнинг муҳим усулларида ҳисобланиб, моддий дунёни билиш ва бадиий ўзлаштиришда кишиларга кўмаклашади, ҳамда бадиий тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. Санъатнинг мусиқа ва хореография сингари турларининг ўзаро боғлиқлигида пайдо бўлган "Муножот" рақси дунёни бадиий ўзлаштиришнинг ҳосилидир.

References:

1. Karimova R., Sayfullaeva D. "O'zbek yakka ayollar raqsi". Toshkent. "Cho'lpon" nashriyoti. 2007 y.
2. Hamraeva G. Raqsning milliy qiyofasi.-Toshkent. 2012 y.
3. Acting on and off: Sanford meisner reconsidered Durham, K.2004 Studies in Theatre and Performance 23(3). (Deystvie i viklyuchenie: Senford Meysner peresmotrel Darem, K. 2004 Issledovaniya v teatre i spektakle 23 (3))